

## ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕРНИНГ ЎРНИ

**Ф. Ш. Мардонов**

Мустақил тадқиқотчи

### АННОТАЦИЯ

Мақола муаллифнинг замонавий касбий таълимда кластернинг моҳияти тўғрисидаги фикрлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** ўқув фаолияти, кластер, кластер субъектлари, билим, кўникма ва малакалар, интеграл функция, институт, инновацион компонент, ҳудудий таълим муассасалари.

## THE ROLE OF THE CLUSTER IN THE DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION

**F. S. Mardonov**

Independent Researcher

### ABSTRACT

The article presents the author's views on the nature of the cluster in modern vocational education.

**Keywords:** learning activities, cluster, cluster subjects, knowledge, skills and competencies, integral function, institute, innovation component, regional educational institutions.

### КИРИШ

Олий касбий таълим ривожланишининг замонавий тенденциялари уни ташкил этишининг янги ёндашувларини белгилаб берди, улар орасида энг истиқболли йўналишлардан бири кластер ёндашув ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг узок муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясида кластерлар тизмини яратиш Ўзбекистоннинг инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг умуммиллий тизимини шакллантиришининг энг муҳим йўналиши сифатида кўрсатилган.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кластерда интеграциялашиш турли тузилмаларни бирлаштириш (таълим - фан - ишлаб чиқариш) ва инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш учун

уларнинг потенциал имкониятларидан фойдаланишнинг янги шакллари топиш сифатида тавсифланади [1].

Таълим хизматини якуний махсулот сифатида шакллантирадиган таълим кластери фанда минтақавий барқарор бирлашма сифатида қаралади ва унинг умумий интеллектуал маркази институт (университет) ҳисобланади. Институт атрофида кўп даражали таълим муассасалари фаолият юритади. Интеграл функциядан ташқари, институт инновацион компонентни ҳам амалга оширади. Кластер таълим, ижтимоий, маданият муассасалари ва бошқа ташкилотларини ўз атрофида бирлаштиради ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Кластерни муваффақиятли ривожлантириш учун барқарор ривожланиш стратегиясини белгилаш, ривожланиш дастурни яратиш зарур, уни амалга ошириш - иш берувчилар, муассислар, бизнес, ҳокимият, консалтинг, кластернинг барча элементларининг молиявий манфаатларини бирлаштиришга имкон беради.

Таълим кластеридаги муассасаларни бирлаштириш ҳудудий яқинлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, мавжуд база ва ресурслардан биргаликда фойдаланиш, умумий манфаатлар тамойилларига асосланади. Кластерни ташкил қилиш учун, биринчидан, соҳанинг барча даражадаги таълим муассасалари бошидан охиригача таълим дастурлари асосида ўзаро алоқада бўлиши ва, иккинчидан, саноат томонидан ишлаб чиқиладиган профессионал стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда яратилиши, учинчидан, ўқув муассасалари ва корхоналар жамоалари вакиллари ўзаро ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ўзаро алоқада бўлиши зарур.

Кластерларга бирлашишга қарор қилган институтларнинг режалаштирилган натижалари, даражаси, мезонлари ва инновациялар самарадорлигини белгилайдиган ўз ривожланиш дастури бўлиши керак.

Кластерни муваффақиятли ривожлантиришнинг калити унинг очиклиги, кластер доирасидаги жараёнлар, унинг барча иштирокчилари учун натижаларнинг шаффофлигидадир. Кластерга киришни истаган таълим муассасаси жамоасига алоҳида талаблар қўйилади. Улар орасида: қўзланган натижага уйғунлик билан эришиш қобилияти, мақсадларнинг умумийлиги, келажакка бўлган ишонч, такомиллаштиришга интилиш, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш, биргаликда қарорлар қабул қилиш ва уларни биргаликда ечишга ҳаракат қилиш орқали амалга оширилади. Битта жамоанинг ютуқларини бошқаларга ҳам ўрнатиш ва бошқа ташкилотлар учун намуна қилиб кўрсатиш лозим [2].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кластер, таълим тизими ривожланишини инновацион бошқариш механизми сифатида, унга киритилган ҳар бир таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини таъминлашга имкон беради. Бунга ижтимоий шерикликни ривожлантириш ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш, шунингдек, ўқитувчилар таркибини инновацион тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ресурслари пайдо бўлади. Талабанинг доимий сифат жиҳатидан ривожланиши содир бўлади, таълимда янги натижалар олинади ва муассасаларнинг ташқи қиёфаси яхшиланиб боради [3, с. 55]. Кластерни яратишдан мақсад – ижодий муҳит яратиш, шунингдек, алоқа, билим, янги технологиялар ва инновацион маҳсулотларни тарқатиш учун ягона профессионал ахборот майдонини яратишдир. Кластер тармоғида маълумотлар тез тарқалади, бунинг натижасида унинг иштирокчилари атрофдаги (ташқи ва ички) ўзгаришларга тез ва етарлича жавоб беришлари ва самарали қарорлар қабул қилишлари мумкин бўлади. Умумий ресурсларнинг мавжудлиги, анъана ва инновацияларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳамкорлик ва рақобатнинг уйғунлиги иштирокчиларга меҳнат ва хизмат кўрсатиш бозорида ҳар бир бўлинманинг мавқеини мустаҳкамловчи қўшма лойиҳаларни амалга оширишга имкон беради.

Кластерларни ташкил этиш институт (университет) самарадорлигини ошириш учун нима беради?

Кластер самарали ташкил этилиши: ўқув-услубий ҳамкорликни яхшилайти, шунингдек касбий таълим муассасаларида ўқув режалари, дастурларини такомиллаштириш; баъзи фанларнинг ўқув-услубий мажмуаларини яратишда ўзаро ёрдам бериш; билим даражаларига мос келадиган ўқув қўлланмалари, тавсияларни биргаликда ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, дарслик ва қўлланмаларнинг электрон версияларини яратиш ва алоқа сайтларига жойлаштириш; ўзаро тажриба алмашиш; ўқув профиллари бўйича маҳорат дарслари ташкиллаштириш ва бошқалар. Институтнинг минтақавий таълим кластерига айланиши, бу унинг таълим, ижтимоий муассасалар, маданият муассасалари билан алоқаларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашни назарда тутати, таълим хизматлари қўламини кенгайтириш, сифатини ошириш, битирувчиларнинг касбий имкониятларини кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратади, горизонтал ва вертикал ҳаракатчанликни оширади.

Олий педагогик таълим тизимидаги таълим консорциуми шароитида кластерларнинг шаклланиши, касбий таълим мазмунига қўйиладиган талабларни, битирувчиларнинг Давлат таълим стандартига мувофиқ эгаллаши керак бўлган асосий ваколатларга бирлаштиришга имкон беради, таълим хизматлари истеъмолчилари томонидан эълон қилинган қўшимча талабларга, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тамойиллари бўйича ҳамкорликни мувофиқлаштириш, доимий касбий таълим тизимини такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш механизмлари такомиллаштириб бориш имконини беради. Кластерда барча иштирок этувчи субъектлар малакали кадрларни тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини тартибга солиб боради. Иш берувчи нимани ўргатишни, таълим муассасалари қандай ўқитишни белгилайди ва касбий таълим эҳтиёжлари уни ишлаб чиқариш билан бирлашишига асосланган жараён сифатида қаралади. Шу билан бирга, талаб қилинадиган мутахассисни тайёрлашга сарфланадиган вақт ва унинг касбий мослашуви даври қисқаради.

Кластернинг яратилиши талабларнинг унификацияси туфайли таълим хизматлари бозорига киришдаги тўсиқларни камайтиради. Шу билан бирга, минтақада амалга оширилаётган минтақавий инновацион ва бошқа дастурларда кластер манфаатлари ҳисобга олинishi мумкин. Бизнинг фикримизча, кластер ичида ўқитувчилар ва талабалар алмашинувини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, техник воситалар ва маҳсулотлардан биргаликда фойдаланиш мумкин, дастурий маҳсулотлар, кластернинг ижобий обрўсини унинг абзоларига ўтказиш (брендни шакллантириш)га кенг имкониятлар яратади.

## ХУЛОСА

Кластер келажакда инновацияларни ишлаб чиқаришга ва улардан фойдаланишга қодир бўлган мутахассисларнинг таълим сифатини оширишга имкон беради, институтнинг барқарор ривожланишини, ўқитувчилар ва талабаларнинг рақобатбардошлиги ва ҳаракатчанлигининг ўсишини таъминлайди. Кластерга киритилган муассасаларнинг илмий ҳамкорлиги интеллектуал ресурсларни бирлаштиришга, тадқиқот фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини мувофиқлаштиришга, инновацион илмий лойиҳалар бўйича биргаликдаги ишлашга, шунингдек, янги илмий йўналишларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундай ҳамкорлик икки йўналишда амалга оширилади: 1) ўқувчилар, талабалар, аспирантларнинг тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ва ёшлар дастурлари ва лойиҳаларини

амалга ошириш; 2) профессор-ўқитувчилар таркибининг бир-бири билан ва давлат-хусусий шериклари билан ўзаро алоқаларини ташкил этиш. Кластерлар фаол грант фаолиятига, шериклар ва иш берувчилар билан барқарор алоқаларга, кичик инновацион корхоналар ва ўқув, илмий ва ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишга, Ўзбекистон ва Европа илмий муҳитида талаб даражасида тадқиқот олиб боришга қаратилган бўлиши мумкин. Илмий фаолиятнинг ўзи инновацион тадбиркорлик фаолиятининг кучли манбаси ҳисобланади, аммо бунинг учун юқори даражадаги илмий мактаблар, институтнинг ривожланган инновацион инфратузилмаси (патент, ахборот ва бошқа хизматлар) талаб этилади. Кластерни яратиш инновацион ривожланиш ассоциациясини ташкил этишга имкон беради, унинг асосий вазифалари кластернинг барча субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини мувофиқлаштириш, истиқболли тадқиқот йўналишларини ривожлантириш, шунингдек, амалий қайта қуриш имконини яратади.

## REFERENCES

1. Асадулин Р.М. Интеграция как новая форма сопряжения образованич, науки и практики в регионе // Аккредитация в образовании. -2009. -№ 32. – с. 16-18.
2. Самохвалов П.А. Создание и функционирование кластеров в региональной экономике // Современные научные исследования и инновации. 2011. Сентябрь. URL: [http. // web.: nauka. ru/issues/2011/09/2836](http://web.: nauka. ru/issues/2011/09/2836)
3. Университет в структуре образовательного кластера // Высшее образование в России. -2008. -№ 2. –с.47-55.
4. Лапыгин Д.Ю. Методическое обеспечение процесса разработки плана стратегического развития региона // Менеджмент в России и за рубежом. -2005. - №6. -с. 40-52.
5. Мухамедов Г.И., Мардонов Ш.Қ. Таълимда кластер ёндашув //Замонавий педагогиканинг долзарб муаммолари.Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2020. -4-7 б.
6. Мухамедов Г.И., Мардонов Ш.К. Касбий таълимда кластер ёндашувнинг моҳияти//Замонавий педагогиканинг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2020. -11-14 б.
7. Мухамедов Г.И., Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф (илмий рисола). –Чирчик: Университет, 2019. -92 б.
8. Jabborova Onakhon Mannarova. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.

9. Jabborova Onakhon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Mukhiddinovna. (2020, may). Optimization of primary education. *ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal*, 10(5), 1229-1232.
10. Mardonov Sh.K., Jabbarova O.M.. Objectives of the lessons of visual arts in primary school. *Academic research in educational sciences*, Issue 3, 2020, pp 862-870.
11. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Khujamkulov Umid Negmatovich, Botirova Shakhlo Isomiddinovna, Shermatova Umida Safaevna. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. *Journal of Critical Reviews*, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
12. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Quttibekova Guljan Tulepbaevna. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. *International journal of Psychosocial Rehabilitation*, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.
13. Jabborova Onakhon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. *International journal of pssycological and rehabilitation*, 24(4), 4087-4095.
14. Mamadaliyev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., Abdullaeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // *SCOPUS International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Special Issue 1, 2020.
15. Жабборова Онахон Маннаповна, Ташпулатова Дилором Мукимовна, Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, Issue 3, 2021, pp 575-582
16. Gulyamova X. Boshlang'ich sinflarda o'qish darsidan umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish. *Academic research in educational sciences*, Volume 2, Issue 1, 2021, pp 1052-1060
17. Умарова З.А. Бошланғич таълим дидактикаси. *Academic research in educational sciences*, Issue 2, 2021, pp 556-562.
18. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. *Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology* 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
19. Fariddun Izatulloyevich Ochilov, "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. *The Journal of Academic Research in Educational Sciences*, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. *Academic Research, Uzbekistan* 2020. 624-629 бетлар.